

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.К.72.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУРАХМОНОВ САЙФИДДИН ФАЙЗУЛЛАЕВИЧ

ПАРАМАГНИТ ИОНЛАР ОРАСИДА ЎЗARO АЛМАШИНУВ

02.00.01 – Ноорганик кимё

Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)

Абдурахмонов Сайфиддин Файзуллаевич
Парамагнит ионлар орасида ўзаро алмашинув. 3

Абдурахмонов Сайфиддин Файзуллаевич
Обменное взаимодействие между парамагнитными ионами 21

Abdurakhmonov Sayfiddin
The exchange interaction between paramagnetic ions. 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 43

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.К.72.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУРАХМОНОВ САЙФИДДИН ФАЙЗУЛЛАЕВИЧ

ПАРАМАГНИТ ИОНЛАР ОРАСИДА ЎЗARO АЛМАШИНУВ

02.00.01 – Ноорганик кимё

Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/К228 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Умаров Бақо Бафоевич
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Кадирова Шахноза Абдухалиловна
кимё фанлари доктори, профессор

Хусенов Қахрамон Шайимович
кимё фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация химояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.К.72.01 рақамли Илмий кенгашнинг «17» 02 2021 йил соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200117, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11 уй. Тел.: +99865221-29-14; факс: +99865 221-26-12, e-mail: bsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№ 69 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 200117, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11 уй. Тел.: +99865 221-29-14; факс: +99865 221-26-12.

Диссертация автореферати 2021 йил «5» 07 куни тарқатилди.
(2021 йил «5» 09 даги 1 -рақамли реестр баённомаси).



Х.Б. Дўстов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

Қ.Ғ. Авезов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби, PhD, доцент

М.Р. Амонов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида асосий эътибор синтетик координацион кимёда аниқ стереокимёвий тузилишга эга бўлган органик лигандлар синтези ва дизайни муаммоларига қаратилган. Бундай комплекс ҳосил қилувчи лигандлар сифатида полидентант органик лигандлар жуда аҳамиятли бўлиб, ҳозирги вақтда кимё саноати, биология, тиббиёт, фармакология ва қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган комплекс бирикмаларнинг синтези жадал ривожланиб бормоқда. Шунинг учун полидентат органик лигандлар асосида оралик металллар ионларининг комплекс бирикмалари синтези, уларнинг таркиби, тузилиши ва хоссаларини аниқлаш амалий ҳамда назарий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Дунё кимё саноатида дикарбон кислота дигидразонлари асосида комплекс бирикмаларнинг режали синтезини амалга ошириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, ўсимликларни ўсишини тезлаштирувчи ва ҳосилдорлигини оширувчи, бактерицид ва фунгицид препаратларни олишда самарали усуллари ишлаб чиқиш, турли реакцияларнинг селективлигини ошириш, дикарбон кислота дигидразидлари асосида органик моддалар синтези, таутомерияси, комплекс ҳосил қилиш қобилятини аниқлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикада кимё саноатининг янги турдаги материаллар ишлаб чиқариш йўналишида муайян натижаларга эришилмоқда, жумладан маҳаллий бозорни импорт ўрнини босувчи кимёвий реагентлар билан таъминлаш соҳасида кенг қўламли тадбирлар амалга оширилди. Инновацион технологияларни тадбиқ этиш орқали саноат объектларини юритишнинг илмий асосланган тизими ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг чора-тадбирларини амалга оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида, юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш, сифат жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзгартиришга»¹ қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада турли металллар ионларининг дикарбон кислота дигидразонлари билан комплекс бирикмаларини олиш, олинган комплекс бирикмалар асосида фунгицидлар ва ўсимликлар ўсишининг стимуляторларини яратиш илмий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестицион

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805 сон «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва шунингдек мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижда белгиланган тузилишдаги лигандлар ёрдамида турли металлларни танлаб экстракциялаш, ванадий, хром, марганец, кобальт, никель, мис каби металллар комплексларининг каталитик ва биологик фаол хоссалари бўйича тадқиқотлар J. Patole, P. Vicini, S. Zhao, K.S. Burger, A. Walcourt, M.L. Liu, S.L. Chen, Y.M. Sun, Y. Nishida, L.L. Wang, S.F. Huang, K. Dhara каби олимлар томонидан ривожлантирилди.

Координацион бирикмалар кимёсини ривожлантиришда рус олимлари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Дастлаб Санкт-Петербургда Л.А. Чугаев раҳбарлигида координацион бирикмалар кимёси ривожлантирилди. Кейинчалик бу соҳадаги ишларни унинг давомчилари И.Н. Шербаков, О.В. Конник, Л.Д. Попов томонидан ривожлантирилди. Кишинёвда М.Д. Ревенко томонидан комплексларнинг темплат синтези тадқиқотлари олиб борилди ва ривожлантирилди, Ростовда электронларнинг ўзаро антиферромагнит таъсири тадқиқотлари В.В. Луков томонидан ўрганилди, комплекс бирикмаларнинг магниткимёвий тадқиқотлари эса В.Т. Калинин, В.В. Минин, А.Н. Гусев, С.И. Левченко, М.К. Алавия, В.Ф. Шульгинлар томонидан такомиллаштирилди.

Республикада органик лигандлар асосида металл комплексларнинг синтези ва тадқиқоти соҳасидаги ишларни амалга ошириш ва ривожлантириш бўйича кўзга кўринган олим, акад. Н.А. Парпиев, М.А. Азизов, Ҳ.Т. Шарипов, Ҳ.Х. Тўраев, Ш.А. Қодирова, З.Ч. Қодировалар шуғулланмоқдалар. В.Ф. Юсуповнинг бир гуруҳ шогирдлари томонидан янги полидентат кўп функционалли лигандлар, шунингдек уларнинг оралик металллар билан комплекслари олинди, тузилиши ва хоссалари, айниқса ўзаро алмашинув механизмлари атрофлича таҳлил қилинди.

Диссертацияда илмий адабиётлар таҳлили натижаси шуни кўрсатадики, комплекс молекулаларининг электрон ва фазовий тузилишларини ўрганиш анча мураккаб тузилишдаги кимёвий бирикмаларнинг *“таркиб-тузилиш-хосса”* боғлиқлиги сабабларини аниқлашга имкон яратди. Илмий манбаларда дикарбон кислота дигидразонлари ва уларнинг комплекс бирикмалари ҳақидаги маълумотлар тўлиқ эмас ва турли зиддиятли таснифга эга, бу бирикмаларнинг таутомерияси ва уларнинг комплекслари етарлича тадқиқ этилмаган. Шунингдек, биядролли комплексларда ўзаро алмашинув таъсирлар

$(-\text{CH}_2-)_n$ занжиридаги метилен гуруҳи сонининг ўзгариши деярли ўрганилмаган ва охирига етказилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Бухоро давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №Ф7-20 «Кетоальдегид ва кетоэфирларнинг ҳосилалари асосидаги комплекслари; уларнинг тузилиши ва хоссалари» (2012-2016 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади орто-оксикарбонил бирикмалар ва бензоилацетон дигидразонлари типидagi гексадентат органик лигандлар асосида парамагнит ионлар [VO(II), Cr(III), Mn(II), Ni(II), Cu(II)]нинг комплекс бирикмаларини синтез қилиш, тузилиши ва ўзаро алмашинув табиатини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бензоилацетон ва ароматик орто-оксикарбонил бирикмаларнинг дикарбон кислота дигидразидлари билан конденсатланиш реакцияларини ўтказиш ҳамда эритмада турли таутомер шаклларни аниқлаш;

парамагнит табиатли оралиқ металл ионларининг дикарбон кислота дигидразонлари билан қўш ядроли комплекс бирикмаларининг синтези усулларини яратиш;

синтез қилинган комплекс бирикмаларнинг таркиби, тузилиши ва хоссаларини замонавий физик-кимёвий ва квант-кимёвий усуллар ёрдамида таҳлил қилиш;

дикарбон кислота дигидразонлари ва улар асосида синтез қилинган қўш ядроли комплекс бирикмаларнинг электрон тузилиши, энергетик ва геометрик параметрлари ҳамда реакция қобилиятини замонавий квант-кимёвий усуллар ёрдамида ҳисоблаш;

синтез қилинган бирикмаларнинг биологик фаоллиги ва антиоксидантлик хоссаларини ўрганиш ва баҳолаш;

синтез қилинган гомо-, гетеробиядроли комплекс бирикмаларда ўзаро алмашинув ҳодисасининг хусусиятларини метилен гуруҳига ва металл табиатига боғлиқлигини аниқлаш;

экспериментал маълумотлар, назарий ва амалий тадқиқотлар асосида комплекс бирикмаларининг қўлланилиши бўйича амалий кўрсатмаларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида дикарбон кислота дигидразонлари, шунингдек улар асосидаги VO(II), Cr(III), Mn(II), Ni(II) ва Cu(II) биядроли комплекс бирикмалари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети янги органик лигандлар синтези, таутомерияси ва комплекс ҳосил қилиши, квант-кимёвий ҳисоблашлар, органик лигандлар ва комплекс бирикмаларнинг биологик фаоллигини аниқлаш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда элемент анализи, ИҚ, ЯМР ^1H , ЭПР спектроскопияси, квант-кимёвий ҳисоблаш, биологик фаоллигини

аниқлаш, IT технологиялари ёрдамида ЭПР спектрларини тузишнинг назарий усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор дикарбон кислота дигидразонлари синтез усуллари ишлаб чиқилган ва 15 та янги органик лигандлар, улар асосида 43 та VO(II), Cr(III), Mn(II), Ni(II), Cu(II) ионларининг гомо- ҳамда гетеробиядроли комплекс бирикмалари синтез қилинган;

замонавий физик-кимёвий ва квант-кимёвий усуллар ёрдамида синтез қилинган органик моддалар, улар асосида олинган комплекс бирикмаларнинг таркиби ва тузилиши, геометрик ва энергетик параметрлари, атомлардаги зарядларнинг тақсимооти, реакция қобилияти аниқланган;

оралиқ металлларнинг гомо-, гетеробиядроли комплекс бирикмаларда марказий ион тўрт карра депротонланган лиганд қолдиғи билан беш- ва олти аъзоли металлҳалқалар ҳосил қилиши, ўзаро алмашинув ҳодисасининг метилен гуруҳлари сонига ва металл табиатига боғлиқлиги исботланган;

таркибида Cr³⁺, Mn²⁺ ва Cu²⁺ каби микроэлементлар бўлган преператлари асосида ғўзанинг ўсишини тезлаштирувчи ва ҳосилдорлигини оширувчи янги самарали стимуляторлар яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

парамагнит табиатли оралиқ металлларнинг дикарбон кислота дигидразонлари билан комплекс бирикмаларини синтезининг қулай шароитлари топилган;

турли d-элементларнинг қўш ядроли комплекс бирикмаларидаги ўзаро алмашинув табиати IT-технологиялари асосида назарий ва ЭПР спектроскопияси ёрдамида исботланган;

квант-кимёвий ҳисоблашлар ёрдамида органик моддалар ва улар асосида синтез қилинган комплекс бирикмаларнинг электрон тузилиши ҳисобланган ва бирикмаларнинг реакция қобилиятлари аниқланган;

полидентат лигандлар асосида олинган Cu(II) гомо- ва гетеробиядроли комплекс бирикмаларининг тузилиши ва ўзаро алмашинув табиати квант-кимёвий моделлаштириш натижасида аниқланган.

қишлоқ хўжалигида етиштириладиган ўсимликларни ўстирувчи ва ҳосилдорлигини оширувчи стимуляторлар синтез қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги дикарбон кислота дигидразонларининг тузилиши ва комплекс ҳосил қилиш хоссалари ИҚ-, ЯМР ¹H-, ЭПР спектроскопия сингари замонавий физик-кимёвий тадқиқот усуллари ёрдамида исботлангани, IT-технологиялари ёрдамида назарий ЭПР спектрларини тузиш ва экспериментал спектрлар билан солиштириш, квант-кимёвий ҳисоблашлар ёрдамида асослангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти VO(II), Cr(III), Mn(II), Ni(II) ва Cu(II) ацетатлари билан дикарбон кислота дигидразонлари комплекс бирикмалари синтези учун оптимал шароитлари аниқланди, олинган комплекс бирикмалар таркиби, тузилиши ва хоссаларини аниқлаш натижалари, олинган хулосалар

замонавий физик-кимёвий тадқиқот усуллари ёрдамида тасдиқланди ҳамда Cu(II), VO(II) ва Mn(II) бирикмалардаги спин-спин ўзаро таъсир қонуниятлари ҳақида янги маълумотлар олинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти VO(II), Cr(III), Mn(II), Ni(II) ва Cu(II) ионларининг дикарбон кислота дигидразонлари билан комплекс бирикмалари олиш усули ишлаб чиқилган бўлиб, комплекс бирикмаларнинг тузилиши ва хоссалари орасидаги узвийлик янги комплекслар олиш учун қўлланилган, шунингдек, улар асосида фунгицидлар ва ўсимликлар ўсишининг стимуляторларини яратишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Cr(III), Mn(II), Cu(II) нинг бензоилацетон ҳосилалари билан комплекс бирикмаларнинг синтези, тузилиши ва қўлланилиши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

SK-1 ((Cr)₂L¹³(AcO)₂·4NH₃), SK-2 (Mn₂L¹³·6NH₃) ва SK-3 (Cu₂L¹³·2NH₃) препаратлари Бухоро вилояти Қоровулбозор тумани “Дилором Дилбар замини” фермер хўжалигининг далаларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 28 январдаги 02/020-295-сон маълумотномаси). Натижада, чигитнинг унувчанлигини ўртача 10,6% га ошириш, шунингдек сўрувчи ҳашоратлар зарарини кескин камайтириш, хлорофилл миқдори ва кўсақлар сонини ошириш имконини берган;

синтез қилинган Cr³⁺, Mn²⁺, Cu²⁺ микроэлементлари ва азот тутган комплекс бирикмалар “Дилором Дилбар замини” фермер хўжалиги далаларида ғўза ниҳолларининг ривожланишини тезлаштирувчи ва касалликларга чидамлилигини оширувчи препарат сифатида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 28 январдаги 02/020-295-сон маълумотномаси). Натижада, тупроқда ферментларнинг (каталаза, пероксидаза, полифенолоксидаза) фаоллиги, нафас олиш кўрсаткичи қийматлари ва ғўзанинг касалликларга бардошлилигини ошириш ҳамда кўсақларнинг пишиб етилишини ўртача 4,54% га тезлаштириш ва ҳосилдорликни ўртача 2,9 ц/га ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 21 та, жумладан, 6 та халқаро ва 15 та республика анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш чоп этирилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий мақола, жумладан 2 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, 161 номдаги фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объектлари ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш истиқболлари борасида хулоса қилинган ҳамда чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркиби бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **“Лигандлар синтези, тузилиши, таутомерияси ва поликарбонил бирикмаларнинг ҳосилаларининг комплекс бирикмаларда ўзаро алмашинув”** номли биринчи боби ушбу мавзудаги хорижий ва маҳаллий адабиётлар умумлаштирилган ва таҳлил қилинган. Адабиётларнинг таҳлили натижасида ишнинг мақсади, вазифалари ва долзарблиги асосланган.

“Бирикмалар синтези ва уларнинг тадқиқоти” номли иккинчи бобда олинган бирикмаларнинг синтези ва тузилишини аниқлашнинг элемент анализи, магниткимёвий ҳисоблашлар, ИҚ-, ЯМР ^1H -, ЭПР спектроскопия каби усуллари келтирилган.

Диссертациянинг **“Бензоилацетон ва орто-оксикарбонил бирикмалар ҳосилаларини парамагнит ионлар билан комплекс бирикмаларининг тадқиқоти”** номли учинчи боби олинган натижалар муҳокамасига бағишланган. Дикарбон кислота дигидразонлари ва уларнинг VO(II), Cr(III), Mn(II), Ni(II) ва Cu(II) ионлари билан комплекс бирикмаларининг синтези, тадқиқот усуллари ёрдамида таҳлили қилиш квант-кимёвий ҳисоблаш натижалари ва уларнинг қўлланиши келтирилган.

1. Дастлабки лигандларнинг тузилиши

Айни бир вақтда икки металл билан координацион боғланадиган лигандлар катта қизиқиш уйғотади. Салицил альдегид, 2-гидроксиацетофенон ва бензоилацетоннинг дикарбон кислоталар дигидразидлари билан 2:1 моляр нисбатда ўзаро таъсири натижасида янги лигандлар олинди. Улар учун кето-, кето-енол ёки енол шакллари мавжуд. ИҚ спектр маълумотларига кўра, каттиқ ҳолдаги лигандлар дикетон шаклига эга. H_4L^1 – H_4L^9 лигандларнинг ИҚ спектрида 1640–1669, 1600–1610 cm^{-1} даги интенсив ютилишлар амид I ($\nu_{\text{C=O}}$) ва амид II ($\nu_{\text{CN}+\delta_{\text{NH}}}$) гуруҳларнинг валент тебранишларига мос келади. 2950–3000 ва 3180–3240 cm^{-1} соҳадаги ютилиш максимумлари $\nu_{\text{O-H}}$ ва $\nu_{\text{N-H}}$, 1543–1567 cm^{-1} даги чизик эса амид II+ $\nu_{\text{C=O}}$ тебранишларига тегишли. ИҚ спектрларнинг таҳлили ички молекуляр водород боғ тутган кето-шакл (I) мавжудлигини билдиради.



R=H: n=0 (H₄L¹), 1 (H₄L²), 2 (H₄L³), 3 (H₄L⁴), 4 (H₄L⁵), 8 (H₄L⁶);

R=CH₃: n=0 (H₄L⁷), 1 (H₄L⁸), 2 (H₄L⁹).

M₁=M₂=Cu: A=NH₃, Py: Cu₂L¹·2NH₃, Cu₂L¹·2Py, Cu₂L²·2NH₃, Cu₂L³·2NH₃, Cu₂L⁴·2NH₃, Cu₂L⁵·2NH₃, Cu₂L⁶·2NH₃, Cu₂L⁷·2NH₃, Cu₂L⁷·2Py, Cu(H₂L⁸)·NH₃, Cu₂L⁸·2NH₃, Cu₂L⁸·2Py, Cu₂L⁹·2NH₃, Cu₂L⁹·2Py; M₁=M₂=VO: (VO)₂L¹·2NH₃, (VO)₂L⁷·2NH₃, (VO)₂L⁷·2Py; M₁=Cu, M₂=VO: CuVOL¹·2NH₃, CuVOL²·2NH₃, CuVOL⁵·2NH₃, CuVOL⁶·2NH₃, Cu(VOL)⁷·2Py, CuVOL⁸·2NH₃, CuVOL⁹·2NH₃; M₁=Cu, M₂=Ni: CuNiL¹·NH₃, CuNiL⁷·2Py.


Шунингдек лиганд (I)нинг CF₃COOD эритмадаги тузилиши ҳам чизиқли кето-шаклдалигини кўрсатади. OH-, H-C=N-, N-H- гуруҳлар протонларидан кучсиз майдон соҳасида δ 12,48-12,72; 8,40-8,48; 9,43-9,47 м.х. да тегишли синглет сигналлар қайд этилади.

1-жадвал.

H₄L¹-H₄L⁹ лигандларнинг (I) CF₃COOD эритмасидаги ЯМР ¹H спектрлари (δ, м.х.)

Бирикма	n	CH ₃ -C=N	H-C=N	C ₆ H ₄	N-H	O-H	(CH ₂)n
Салицил альдегид дигидразонлари							
H ₄ L ¹	0	—	8,47	6,88м; 7,34м	9,43	12,55	—
H ₄ L ²	1	—	8,48	6,89м; 7,33м	9,44	12,54	3,70
H ₄ L ³	2	—	8,41	6,86м; 7,31м	9,46	12,55	2,73
H ₄ L ⁴	3	—	8,43	6,87м; 7,34м	9,45	12,58	1,92; 2,43
H ₄ L ⁵	4	—	8,40	6,85м; 7,31м	9,43	12,48	1,57; 2,33
H ₄ L ⁶	8	—	8,40	6,85м; 7,33м	9,44	12,72	1,02; 1,41; 2,24
Орто-оксиацетофенон дигидразонлари							
H ₂ L ⁷	0	2,25	—	6,78м; 7,30м	9,47	12,48	—
H ₂ L ⁸	1	2,24	—	6,75м; 7,28м	9,45	12,50	3,68
H ₂ L ⁹	2	2,25	—	6,76м; 7,30м	9,45	12,49	2,74

Элемент ва спектрал анализ маълумотларига кўра, бензоилацетоннинг кислота дигидразидлари билан 2:1 моль нисбатда ўзаро таъсирида фақат ацетил карбонили билан конденсатланиш маҳсулотлари ҳосил бўлади. Улар учун дигидразон, диенгидразин ва бис-5-оксипиразолин шакллар хосдир. Лигандларнинг тузилиши элемент анализи, ИҚ спектр ва ЯМР ¹H натижаларига кўра исботланди. H₄L¹⁰-H₄L¹⁵ эритмадаги ЯМР ¹H спектрларидан уларнинг бициклик (IV) шаклда бўлиши аниқланди. H₄L¹¹ бирикманинг спектрида диацил қисми метилен протонларига тегишли δ 4,08 м.х. да синглет сигнал ҳамда 3,97 ва 4,20 м.х. да иккита носимметрик дублет сигналлар АВ-системани ҳосил қилади. Дипиразолин шакл IV иккита хирал марказларга эга бўлиб, уларни пиразолин халқасидаги 5-углерод атомлари намоён қилади. Спектрнинг кўринишидан, (IV) шакл эритмада иккита диастереомерлар: рацемик модификация ва мезо-шакл аралашмаси сифатида мавжуд бўлади.




(H₄L¹⁰), 1 (H₄L¹¹), 2 (H₄L¹²), 3 (H₄L¹³), 4 (H₄L¹⁴), 8 (H₄L¹⁵); M₁=M₂=Cu: A=NH₃, Py: Cu₂L¹⁰·2NH₃, Cu₂L¹¹·2NH₃, Cu₂L¹¹·2Py, Cu₂L¹²·2Py, Cu₂L¹³·2NH₃, Cu₂L¹³·2Py, Cu₂L¹⁴·2Py, Cu₂L¹⁵·2Py; M₁=Cu, M₂=Ni: CuNiL¹⁰·2NH₃, CuNiL¹⁰·2Py, CuNiL¹¹·2NH₃, CuNiL¹¹·2Py; M₁=M₂=VO: (VO)₂L¹⁰·2Py, (VO)₂L¹¹·2Py, (VO)₂L¹²·2Py, (VO)₂L¹³·2Py.

2. Мис(II) нинг орто-оксикарбонил бирикмалар ва бензоилацетон дигидразонлари билан моно- ва гомобиядроли комплекслари

а) H₄L турдаги лигандларнинг спиртли эритмалари ва мис(II) ацетатнинг сув-аммиакли эритмаси 1:2 моль нисбатда аралаштирилганда Cu₂L·2NH₃ комплекс бирикмаси (III) ҳосил бўлади. Комплекслар пиридинда эритилса, аммиак осон алмашинади ва диэтилэфир таъсирида осон чўктириб олинади. Элемент анализ натижалари ва ИҚ спектрлар орто-оксикарбонил бирикма комплексларининг (III) тузилишга эгалигини билдиради.

Аммиакли (III) комплексларнинг ИҚ спектрларида ν_(NH) тебранишлар мавжуд эмас, у комплекс ҳосил бўлишда лигандларнинг еноллашганини кўрсатади. Лигандларнинг 1640-1669 см⁻¹ соҳадаги ν_(C=O) ютилиш частоталари йўқолади, лекин ν_(N=C-O⁻) тебранишларга тааллуқли бўлган 1515-1540 см⁻¹ соҳада янги тебраниш чизиғи пайдо бўлади.

Мис(II) гомобиядроли комплекслари ЭПР усули билан тадқиқ қилинганда қизиқ натижалар олинди. Хлороформдаги (III) комплекслар эритмасининг ЭПР спектрлари g-факторнинг яқин қийматларига эга (2,092-2,105), ўта нозик структура (ЎНС) чизиқлари эса парчаланиш константаси катталиги a_{Cu}≈0,0045 см⁻¹ га тенг бўлган етита линиялардан иборат (1-расм). Бу эса комплексларда икки мис(II) ионлари орасида антиферромагнит таъсирлашув мавжудлигини кўрсатади.



1-расм. Мис(II) комплексларининг хлорофм эритмасидаги ЭПР спектрлари:
(а) – Cu₂L¹·2NH₃ ва (б) – Cu₂L⁸·2Py

Статик магнит сингдирувчанликни аниқловчи тадқиқотларнинг кўрсатишича, n=0 бўлган бирикмаларда μ_{эфф.}=√8χ¹·m⁷ қийматлари 1,62 М.Б. дан (300 К) 1,26 М.Б. гача (77 К) ўзгаради. Улар орасидаги μ_{эфф.}(Т) боғлиқлик алмашилиш параметрининг қиймати -J = 80 см⁻¹ ва спинлари S₁=S₂=1/2 бўлган иккита марказлар учун изотроп антиферромагнитли алмашилиш

моделли доирасида яхши тавсифланади. $\text{Cu}_2\text{L}^1 \cdot 2\text{NH}_3$ ва $\text{Cu}_2\text{L}^8 \cdot 2\text{NH}_3$ поликристалл намуналарнинг ЭПР спектрларида кучсиз майдонларда ($H \approx 1700$ э) “тақиқланган” ўтиш кузатилиб, у $m_i = \pm 2$ ҳолатлар орасидаги спин ўтишларга жавоб беради, яъни алмашилишни мавжудлигини кўрсатади. Шунингдек, $n=1,2,3,4,8$ бўлган бу турдаги (III) комплекслар учун $\mu_{\text{эфф}}$ кийматлари 1,75–1,90 М.Б. га тенг ва улар ҳароратга деярли боғлиқ эмас.

H_4L^8 лиганднинг спиртли эритмаси ва мис(II) ацетатнинг аммиакли эритмаси 1:1 нисбатда аралаштирилганда моноядроли $[\text{Cu}(\text{H}_2\text{L}^8)\text{NH}_3]$ комплекс олинди. Хлороформ эритмасидаги бу комплекснинг ЭПР спектри тўртта ўнс чизиқларидан иборат ва яхши намоён бўладиган қўшимча ўнс (Қўнс)га ҳам эга бўлади ($g=2,093$; $a_{\text{Cu}}=0,0095 \text{ см}^{-1}$; $a_{\text{N}}=12,8$ э).


ИҚ спектрнинг $\nu_{\text{(C=O)}}$, $\nu_{\text{(N-H)}}$ ва $\nu_{\text{(O-H)}}$ га жавоб берувчи 1640, 3066 и 3180 см^{-1} соҳасидаги валент тебранишлар лиганд молекуласининг ярми эркин ҳолатда эканлигини кўрсатади ва комплекс II тузилишга эга бўлади. Элемент анализ маълумотлари ва ЭПР спектрлари бу хулосаларни тасдиқлайди.

Моноядроли (II) комплекс эритмасига Ру қўшилганда спектр сигналларининг кучсиз майдонга силжиши, g -факторнинг ортиши, ўнс константасининг камайиши ва тўртинчи компонентдаги битта азот атомидан триплет кўринишида Қўнс мавжудлиги кузатилади (2 а,б-расмлар).

Спектрнинг бундай ўзгариши, Ру мўл миқдори қўшилганда металл-хелат экваториал текислигида жойлашган NH_3 молекуласи пиридинга алмашинади, сўнгра иккита Ру молекуласининг аксиал ҳолатда қўшимча координатсион боғ ҳисобидан дастлаб квадрат-пирамида, сўнгра октаэдрик тузилишга ўтади. Бу Cu-Ru боғининг заифлашишига олиб келади ва спектрда лиганднинг битта N атомидан Қўнс кузатилади (2-расм, б). Спектрлар қуйидаги спин гамилтониани (СГ) тенгламаси билан тавсифланади:

$$H = g \cdot \beta \cdot H \cdot S + \langle a_{\text{Cu}} \rangle I_{\text{Cu}} \cdot S + \sum_{i=1}^2 a_{\text{Ni}} \cdot I_{\text{Ni}} \cdot S \quad (1)$$

бунда: $S_1=1/2$, $I_{\text{Cu}}=3/2$, $I_{\text{N}}=1$.



2-расм. Моноядроли $\text{CuH}_2\text{L}^8 \cdot 2\text{NH}_3$ комплекснинг хлороформдаги (а) ва пиридиндаги (б) ЭПР спектрлари (293 К)

б) H_4L^{10} - H_4L^{15} ларнинг спиртли ва мис(II) ацетатнинг аммиакли эритмалари 1:2 нисбатда аралаштирилганда биядроли комплекслар (V) ҳосил бўлади. $\text{Cu}_2\text{L} \cdot 2\text{NH}_3$ комплекслари минимал пиридинда эритилса, $\text{Cu}_2\text{L} \cdot 2\text{Ru}$ комплекси олинади. Комплексларнинг таркиби элемент анализ ёрдамида тасдиқланди, (V) кўринишдаги Cu(II) комплексларининг ИҚ спектрлари таркиби бўйича яқин бўлган (III) тузилишли гомо- ва гетеробиядроли Cu(II)

комплексларнинг ИҚ спектрларига ўхшайди. (V) комплексларнинг тузилиши гомобиядроли III комплексларга яқинлиги магниткимёвий усул ва ЭПР спектроскопия билан аниқланди. Шунингдек, $n=0$ бўлган $\text{Cu}_2\text{L}^{10}\cdot 2\text{NH}_3$ (V) комплекс учун $\mu_{\text{эфф}}$ қиймати 300 К да 1,65 М.Б. га тенг ва 1,31 М.Б. (77 К) гача ўзгариб, спинлари $S_1=S_2=1/2$ бўлган иккита марказлар учун антиферромагнит моделига мос келади. Бир хил кўриниш ва параметрларга ($g=2,094$; $a=0,0046 \text{ см}^{-1}$) эга бўлган $\text{Cu}_2\text{L}^{11}\cdot 2\text{Pu}$ эритмасининг ЭПР спектрларида еттита чизикдан иборат ЎНС намоён бўлади. Лигандларнинг ҚЎНСи ҳисобга олинмаса, моноядроли комплекс ЭПР спектри СГ (1) билан тавсифланади. Агар парамагнит ионлари изотроп алмашилиш билан боғланган иккита моноядроли фрагмент димер ҳосил қилса, унда СГ тенгламаси куйидаги кўринишга (2) эга бўлади, бунда $S_1=S_2=1/2$ га, тўлиқ спин $S=S_1+S_2$ қиймати эса $S=0$ ёки ± 1 га тенг бўлади:

$$H=H_1+H_2-2gS_1S_2=\beta\cdot(S_1+S_2)gH+(S_1+S_2)(A/2)(I_1+I_2)+(S_1-S_2)(A/2)(I_1-I_2)-2gS_1S_2= \\ \beta SgH+S(A/2)(I_1+I_2)+(S_1-S_2)(A/2)(I_1-I_2)-g[S(S+1)-S_1(S_1+1)-S_2(S_2+1)] \quad (2)$$

Тажрибада айнан оддий спектрлар кузатилгани сабабли, алмашилиш параметри $|J| \gg hv$, $|AA|$ нисбатни қаноатлантириши керак (3):

$$|D_{dd}| \sim \beta^2 / r^3 \quad (3)$$

бунда r – металл-металл орасидаги масофа.

Мис(II) димерлари эритмадаги етти линиядан иборат ЎНС ($a_{\text{Cu}}= 0,0040-0,0050 \text{ см}^{-1}$) намоён бўлса ҳам, поликристалл намуналарининг 77К даги ЭПР спектрида “тақиқланган” ўтишлар кузатилади, бу ҳолат Cu(II) нинг орто-оксиацетофенон ҳосилаларининг биядроли (III) комплексларида кузатилди.

Экспериментал маълумотларга кўра димерлар кўшни молекулаларнинг кўшимча координатланиши ҳисобига ҳосил бўлмайди, чунки димерларни ажратувчи Pu каби кучли донорнинг кўп миқдориди ҳам, аввалгидек иккита эквивалент мис атомларидан етти линиядан иборат спектр кузатилади.


$(-\text{CH}_2-)_n$ занжири ЭПР спектри табиатини ўрганиш учун Cu(II) нинг ($n=3, 4$ и 8) биядроли $\text{Cu}_2\text{L}^{13}\cdot 2\text{Pu}$, $\text{Cu}_2\text{L}^{14}\cdot 2\text{Pu}$ ва $\text{Cu}_2\text{L}^{15}\cdot 2\text{Pu}$ комплекслари олинди. $\text{Cu}_2\text{L}^{13}\cdot 2\text{Pu}$ ва $\text{Cu}_2\text{L}^{14}\cdot 2\text{Pu}$ эритмаларидаги ЭПР спектрлари ҳам 2 эквивалент мис атомларининг еттита ЎНС дан иборат. Биядроли $\text{Cu}_2\text{L}^{15}\cdot 2\text{Pu}$ комплексида $(-\text{CH}_2-)_n$ -нинг 8 углерод атомига ортиши Cu(II) ионлари орасидаги таъсирларнинг деярли йўқолишига олиб келади. Спектрда битта мис атоми учун тўртта бузилган линиялардан иборат ЎНС кузатилади. Бу спектрдаги 2-ва 3-компонентлар орасидаги масофа қолганларидан кичик. $\text{Cu}_2\text{L}^{15}\cdot 2\text{Pu}$ ($n=8$) учун Брейт-Раби қонуни бузилиб, иккита мис атомининг жуфтлашмаган электронлари орасида заиф алмашилиш кузатилади.

3. VO(II) нинг бензоилацетон диацилгидразонлари билан гомобиядроли комплекслари

VO(II) нинг гомобиядроли комплексларида спин-спин алмашилишни ўрганиш учун H_4L (IV), донор Pu ва VO(II) ацетатнинг спиртли эритмалари 1:2:2 нисбатда аралаштириб $(\text{VO})_2\text{L}\cdot 2\text{Pu}$ биядроли комплекслар (V) олинди. Лигандларнинг ИҚ спектрларида комплекс ҳосил бўлишида юз берадиган

ўзгаришлар V комплексларнинг олинишида кузатиладиган ўзгаришлар каби бўлади. $1005-1020 \text{ см}^{-1}$ соҳадаги $\nu_{(V=O)}$ валент тебранишларини ифодаловчи характерли частота қаттиқ ҳолатдаги VO(II) нинг биядроли комплексида $V=O \cdots V=O \cdots V=O$ кўринишдаги молекулалараро боғлар йўқлигини кўрсатади.

VO(II) гомобиядроли комплексларининг (V) толуолдаги ЭПР спектрлари ^{51}V ядроси билан жуфтлашмаган электроннинг таъсирланишидан юзага келадиган саккиз чизиқли ЎНСнинг спектрларига мос келади (3-расм). Барча ЭПР параметрлари қийматлари бир-бирига яқин бўлиб, у комплексларнинг бир хил тузилишга эга эканлигини кўрсатади. СГ параметрлари S_{4V} симметрияга эга бўлган ва *транс*[N_2O_2] донорлари билан қуршаб олинган VO(II) учун адабиётдаги маълумотларга мос келади.



3-расм. $(\text{VO})_2\text{L}^{10} \cdot 2\text{Py}$ комплекснинг толуол эритмасида олинган ЭПР спектри (293 К)


$\text{Cu}_2\text{L} \cdot 2\text{P}$ удан фарқли ўлароқ, VO(II) комплексларида бир молекуладаги металлхелатлар орасида антиферромагнит алмашинув кузатилмайди, чунки VO(II)нинг тоқ электрони d_{xy} орбиталида жойлашган. Ванадил атоми металлхелат текислигидан тетрагонал пирамида чўққисига силжигани сабабли иккита тоқ электронлар тўлқин функциясининг қопланиши бузилади.

4. Мис(II) ва ванадил(II) нинг ароматик орто-оксикарбонил бирикмалари дигидразонлари билан гетеробиядроли комплекслари


Донор асослар иштирокида орто-оксиацетофенон оксоилгидразони билан Cu(II) ва VO(II) ацетатлари 1:1:1 нисбатда таъсирлашиб $\text{Cu}(\text{VO})\text{L}^7 \cdot 2\text{Py}$ таркибли гетеробиядроли комплекс ҳосил бўлади. Бу комплекснинг ИҚ спектрида эркин лигандга хос ютилиш чизиқлари кузатилмайди ва асосан Cu(II) комплексларининг ИҚ спектрларига мос келади. Хлороформ эритмасида олинган V комплекс ЭПР спектрининг Cu(II) ионига хос тўртта ва VO(II) ядросининг саккизта ЎНС чизиқлари қайд қилинди (4-расм). $\text{Cu}(\text{VO})\text{L}^7 \cdot 2\text{Py}$ бирикмасининг ЭПР спектри Зеeman ва ўта нозик таъсирланишни ўз ичига олган Cu(II) ва VO(II) ионларининг СГ йиғиндиси билан тавсифланади (4):

$$H = \beta g S H + I A S \quad (4)$$

бунда \mathbf{g} ва \mathbf{A} тензорларнинг ҳар бири асосий векторларнинг хусусий системасида диагоналлашади ва бу системалар бир-бирига мос келмайди. Барча системаларни битта координаталар системасига келтириш учун \mathbf{g} -тензорнинг координаталар системасига \mathbf{A} тензорни киритиш керак (5-расм). Янги координаталар системасига ўтилиши Эйлер бурчаклари ёрдамида амалга оширилади (5-расм).



4-расм. Cu(VO)L⁷·2Py (VII) бирикманинг ЭПР спектри: 1– экспериментал; 2 – назарий



5-расм. x, y, z координаталар системасидан X, Y, Z координаталар системасига ўтилишида α, β, γ Эйлер бурчаклари

Хатолик функционалини минималлаштириш учун экспериментал ва назарий спектрлар орасида яқинлашиш йўлини қўллаган ҳолда спектрларнинг параметрлари топилди. Линиялар шаклининг функцияси сифатида Лоренц ва Гаусс функцияларининг йиғиндисидан фойдаландик. Релаксация назариясига мувофиқ, чизиқларнинг кенглиги куйидаги ифода (5) билан аниқланди:

$$\Delta H = \delta + \eta m_l + \lambda m_l^2 \quad (5)$$

бунда m_l – ядро спинининг магнит майдон йўналишига проекцияси, δ , η , λ – параметрлар.

5. Мис(II) ва никель(II) нинг ароматик орто-оксикарбонил бирикмалар ва бензоилацетон дигидразонлари билан гетеробиядроли комплекслари

А. (I) лигандлар спиртли ва Cu(II), Ni(II) ацетатларининг сув-аммиакли эритмаси 1:1:1 нисбатда аралаштирилиб гетеробиядроли комплекслари (III) олинди. Гомо- ва гетеробиядроли Cu(II) ва Ni(II) комплексларининг ИҚ спектрлари ўхшаш бўлиб, гетеробиядроли Cu(II) ва Ni(II) комплексларининг спектрлари тўртта ўнс дан ($a=0,0090 \text{ см}^{-1}$, $g=2,105$) иборат.


Элемент анализ натижалари III комплекс таркибида Cu(II) ва Ni(II) нинг миқдори 1:1 нисбатни кўрсатса ҳам, уларнинг гетеробиядроли эканлигини айтиб бўлмайди. Бу комплекснинг ЭПР спектри етита компонентли ҚўНСни тутган тўртта ўнс линияларидан иборат, яъни шунга ўхшаш моноядроли комплексларга мос келади. Молекулада диамагнит Ni ионининг мавжудлиги ЭПР спектрнинг кўриниши ва параметрларига таъсир қилмайди. Бундан (III) комплекс гетеробиядроли тузилишга эга деган хулоса чиқади.

Бензоилацетон ҳосилалари асосида олинган гетеробиядроли комплекслар синтези (III) комплексларга ўхшайди. Cu(II) ва Ni(II)нинг гетеробиядроли комплексини олиш учун лиганднинг метанолдаги эритмаси ва иккита металл ацетатларининг сув-аммиакдаги эритмаси 1:1:1 нисбатда аралаштирилди. Комплекс ҳосил бўлиш жараёнида депротонланиш билан бирга, халқасимон бис-5-оксипиразолин тузилишли гексадентат лиганд халқа-занжир қайта гуруҳланиши орқали чизиқли шаклга ўтди. Олинган бирикмалар элемент анализ, ИҚ- ва ЭПР спектроскопия усуллари ёрдамида ўрганилди. Cu(II) нинг

гомобиядроли ҳамда Cu(II) ва Ni(II) гетеробиядроли комплексларининг ИҚ спектрлари бир-бирига яқин тебраниш частоталарига эга. Гетеробиядроли комплекснинг ЭПР спектрлари маълумотлари Cu(II) нинг моноядроли комплекслари II ва III бирикмаларнинг спектрларига ўхшайди. Шунинг учун бу комплексларга III тузилиш мос келади. Cu ва Ni атомларининг координацион сферасида NH₃ молекуласи пиридин молекуласига алмаштирилиши N атомининг ҚЎНС константасининг ўзгаришига олиб келмайди ва пиридиннинг каттароқ молекуляр массаси ҳисобига ҚЎНС чизиғини кенгайтиради. ЭПР спектри параметрларига лиганддаги ўринбосарлар ва металл халқаларини бирлаштирувчи метилен занжири кам таъсир кўрсатади (2-расм, б).


6. Марганец(II) нинг бензоилацетон диацилгидразони билан гомобиядроли комплекси

(H₄L¹²) лиганд (IV) билан Mn²⁺ иони аммиак иштирокида ўзаро таъсири натижасида биядроли комплекс бирикмаси синтез қилинди ва ўрганилди:



VI

Олинган комплекснинг таркиби элемент анализ усули билан аниқланди. Таъкидлаш жоизки, Mn₂L¹²·6NH₃ комплекснинг спектри илгарироқ синтез қилинган шундай тузилишли Cu(II), Ni(II) ва VO(II) нинг ИҚ спектрларига ўхшаш, фақат бу биядроли комплексда ҳар бир марказий Mn(II) иони тридентатли хелатдан ташқари яна 3 та аммиак молекуласи билан координацион қуршовини октаэдрик тузилишгача етказди.



6-расм. Биядроли Mn₂L¹²·6NH₃ комплексининг поликристалл намуна (а) ва толуол пиридинли эритмасидаги ЭПР спектри (б), T=293 К.

Mn₂L¹²·6NH₃ поликристалл намунасининг 293К даги ЭПР спектри 6 а-расмда кўрсатилган. СГ параметрлари: g_z=1,951; g_x=2,110; g_y=2,005 бўлиб кенг линиядан иборат, ЎНСли СГ билан тавсифланади. ЭПР усули билан Mn₂L¹²·6NH₃ нинг толуолдаги эритмаси ўрганилганда, 6 б-расмдан кўринадики, g=2,056±0,001 ва a=91,7 Гс га тенг бўлган ўта нозик структура

мавжуд, шу билан бирга “олтитали” чизиқлар ҳам кузатилади. Натижалар $Mn_2L^{12} \cdot 6NH_3$ комплекси октаэдриқ тузилишга эғалигидан далолат беради.

7. Хром(III) нинг бензоилацетон диацилгидразони билан гомобиядроли комплекси

Магнитокимёвий жиҳатдан учта тоқ электрон тутган $3d^3$ конфигурацияли Cr(III) иони ўзаро алмашинув ҳодисасида фаол иштирок этади. Шунга кўра, хром(III) ацетатининг аммиакли ва H_4L^{13} (IV) нинг спиртли эритмалари ўзаро реакцияси билан биядроли комплекс бирикма олинди. Унинг ИҚ спектри Cu(II) ва Ni(II) комплексларининг ИҚ спектрларига ўхшайди.


Хром(III) комплексининг ИҚ спектрида 457 ва 525 см^{-1} соҳада қайд қилинган ν_{Cr-N} и ν_{Cr-O} янги тебранишлари пайдо бўлди, лиганд қолдиғининг валент тебранишларида эса биз томондан аввалроқ синтез қилинган Cu(II) ва Ni(II) комплексларининг ИҚ спектрларига жуда яқин. Элемент анализ ва ИҚ спектр натижаларига кўра, янги комплекс бирикма (VI)-тузилишга ўхшайди.

8. Синтез қилинган лигандларнинг реакцион қобилиятини квант-кимёвий ҳисоблаш

Квант кимёси спектроскопия билан биргаликда янги материалларнинг тузилишини, структурасини ўрганмоқда. $H_4L^1-H_4L^9$ нинг электрон ва геометрик параметрларини ўрганиш Avogadro, Gaussian, ChemCraft ва Chem Office 2016 дастурларини қўллаб квант-кимёвий ҳисоблашлар билан ўрганилди. Комплекслар синтезида лигандлар $3d$ металллар билан 2:1 нисбатда $[N_2, O]$ атомлари орқали боғланади ва координацион қуршовнинг тўртинчи ўрнини донор асос тўлдиради. Бизнинг мақсадимиз ароматик орто-оксикарбонил бирикмалар дигидразонларини синтез қилиш жараёнида кимёвий боғлардаги энергетик параметрлари ўзгаришини ўрганишдан иборат.

9. Координацион бирикмаларнинг квант-кимёвий тадқиқоти

Хартри-Фок (HF) квант-кимёвий ҳисоблаш натижасида $H_4L^1-H_4L^9$ лигандлари асосидаги Cu(II), VO(II) ионларининг гомо- ва гетеробиядроли комплексларининг энг барқарор конформациялари аниқланди.




7-расм. $Cu_2L^7 \cdot 2NH_3$ ива $Cu(VOL^7) \cdot 2NH_3$ комплексларда чегара орбиталларнинг графиклари ва уларнинг энергиялари

Олиб борилган квант-кимёвий ҳисоблашлар натижасида $Cu_2L^7 \cdot 2NH_3$ ва $Cu(VOL^7) \cdot 2NH_3$ комплексларининг геометрик, энергетик ва электрон параметрлари аниқланди. Gaussian-09 дастурлар пакети 6-31+G(d) базисида

NF усули билан структура оптималлаштирилгандан кейин $\text{Cu}(\text{VO})\text{L}^7 \cdot 2\text{NH}_3$ комплексининг назарий тебраниш спектри ҳисоблаб топилди. GaussView 05 дастуридан фойдаланиб, бу комплекслардаги орбиталлар структураси ва шакли куйидагича эканлиги исботланди (7-расм).

10. Лиганд ва комплексларнинг биологик фаолигини ўрганиш

Синтез қилинган лигандларнинг биофаоллигини башорат қилиш учун улар PASS компьютер дастурлари ёрдамида тадқиқ қилинди. Бундай дастурлар кимёвий бирикмаларнинг структураларини ва башорат қилинган фаолликларни ўз ичига олади. Натижаларнинг таҳлили ёрдамида $\text{H}_4\text{L}^1\text{--H}_4\text{L}^{15}$ бирикмалари турли хил биофаолликни намоён қилади. Аниқланган биофаоллик натижалари 1-диаграммада берилган.



1-Диаграмма. Синтез қилинган бирикмаларнинг PASS дастури ёрдамида (online) ҳисобланган биологик фаоллиги натижалари

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда донли ва полиз экинларини экиш жадал суръатларда олиб борилмоқда, пахтачилик соҳаси эса кластер тизимига ўтказилди. Захарли моддалар бўлган микроэлементларнинг айрим синфлари ёки уларнинг комплекслари айни пайтда модда алмашинуви, хужайраларнинг бўлиниши ва кўпайиши учун муҳим аҳамият касб этади. Бу йўналишда фойдали препаратларни излаш мақсадида бизлар Бухоро-6 пахта навининг чигитларини экишдан олдин ивитиш учун $\text{Mn}(\text{II})$, $\text{Cu}(\text{II})$ ва $\text{Cr}(\text{III})$ комплексларининг эритмаларидан фойдаландик.

Бухоро вилояти Қоровулбозор тумани “Дилором Дилбар замини” фермер хўжалигининг умумий майдони 4 га тенг дала ери икки қисмга ажратилди: 1 га назорат майдони ва 3 га тажриба майдони. Бухоро-6 пахта навининг 60 кг чигитлари экишдан олдин синтез қилинган препаратларнинг (SK-1, SK-2 и SK-3) 0,003%-эритмасида (40 л сувга 1,2 г препарат) ивитилди. Назорат ва тажриба майдонларида бир хил агротехник ишлар олиб борилди.

Тажриба майдонида чигитлар 7 кунда, назорат майдонида эса 8 кунда униб чиқди. Олинган натижаларга кўра экишнинг 12 кунда чигитларнинг унувчанлиги тегишлича 9,09; 9,85 ва 12,88% га ошди.

Ўсимликлар стимуляторлари таркибида Cr^{3+} , Mn^{2+} ва Cu^{2+} каби микроэлементларнинг мавжудлиги ниҳолларнинг тез ўсишига, шохланишига,

ҳосил элементларининг шаклланишига олиб келади. Назорат майдонида 16% ғўза ниҳоллари фузариоз вилът касаллигига учраган бўлса, тажриба майдонида касалланиш ҳолатлари тегишлича 10,5; 5,8 ва 5% ни ташкил қилди, П-4 эталон билан ишланган назорат далаларга нисбатан ҳосилдорлик тажриба майдонида тегишли равишда 2,79; 2,88 ва 3,03 ц/га кўпайди.

ХУЛОСАЛАР

1. Ароматик *орто*-оксикарбонил бирикмалар ва бензоилацетоннинг дикарбон кислота дигидразидлари билан конденсатланиш реакциялари асосида турли таутомер шакллардаги 15 та янги бис-тридентат органик лигандлар олиш усуллари ишлаб чиқилди.

2. Олинган лигандлар билан VO(II), Cr(III), Mn(II), Ni(II) ва Cu(II), ацетатлари 1:1 ва 1:2 нисбатда ўзаро таъсирлашуvidан 43 та моно-, гомо- ва гетеробиядроли комплекс бирикмалар синтез қилинди. Лигандлар ва комплекс бирикмаларнинг таркиби ва тузилиши элемент анализ, ИҚ-, ЯМР ¹H-, ЭПР спектроскопия ва квант-кимёвий ҳисоблаш усуллари билан аниқланди.

3. Олинган моно-, гомо- ва гетеробиядроли комплекс бирикмаларнинг металл-ион табиатига кўра текис-квадрат, квадрат-пирамидал ва октаэдрик тузилиши исботланди.

4. Аммиакли комплекслар пиридинда эритилганда аввал NH₃ молекуласи пиридин билан алмашинади, сўнгра икки Ру молекуласи биринкетин аксиал ҳолатда координацион боғланиб, дастлаб квадрат-пирамида, сўнгра октаэдрик тузилишга ўтиши кўрсатиб берилди.

5. Гомобиядроли Cu(II) комплексларининг экспериментал ва назарий ЭПР спектрлари асосида σ-боғлар бўйлаб антиферромагнит ўзаро алмашинув амалга ошишининг етти линияли ЎНС катталиги $a_{Cu} \cong 0,0045 \text{ см}^{-1}$ тенг бўлганда (-CH₂)_n занжирнинг узайиши билан заифлашиб бориш механизми таклиф этилди.

6. VO(II), Mn(II) гомобиядроли комплексларида Cu(II) комплексларидан фарқ қилиб, VO(II) ионининг жуфтлашмаган электрони d_{xy} орбиталида жойлашган бўлиб, ванадий атоми металлҳалқанинг экваториал текислигидан “ил” кислород томон силжиши, Mn(II) ионида эса барча d-электронлар жуфтлашмаганлиги натижасида антиферромагнит ўзаро алмашинув амалга ошмайди.

7. Бензоилацетон дигидразонлари асосида олинган Cu(II), Mn(II) ва Cr(III) ионлари тутган препаратлар Бухоро вилоятининг шўрланган ва вилътли далаларида пахта ҳосилдорлигини ва ғўза фитопатогенларига қарши фаолликни ошириш – вилът билан касалланишни пасайтириш, кўсақлар очилиб ҳосил етилишини тезлаштиришда, пахта толасининг сифатини яхшилашда қўллаш учун тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.К.72.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ
БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

АБДУРАХМОНОВ САЙФИДДИН ФАЙЗУЛЛАЕВИЧ

**ОБМЕННОЕ ВЗАИМОДЕЙСТВИЕ МЕЖДУ ПАРАМАГНИТНЫМИ
ИОНАМИ**

02.00.01 – Неорганическая химия

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (phd) по химическим наукам

Бухара – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2019.3.PhD/К228.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета www.buxdu.uz, на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.

Научный руководитель

Умаров Бако Бафоевич
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Кадирова Шахноза Абдухалиловна
доктор химических наук, профессор

Хусенов Кахрамон Шайимович
кандидат химических наук, доцент

Ведущая организация:

Ургенчский государственный университет

Защита диссертации состоится «17» 07 2021 г. в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.К.72.01 при Бухарском государственном университете. (Адрес: 200117, Бухара, ул. М Икбол 11, БухГУ, Тел.: +99865 221-29-14, факс: +99865 221-26-12, e-mail: bsu_info@edu.uz).

Диссертация зарегистрирована в информационно-ресурсном центре Бухарского государственного университета за № 69, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (200117, Бухара, Библиотека БухГУ Тел.: +99865 221-29-14).

Автореферат диссертации разослан «5» 07 2021 г.
(реестр протокола рассылки № 1 от «5» 07 2021 г.)



Х.Б. Дустов

Председатель Научного совета по присуждению ученой степени, д.х.н., профессор

К.Г. Авезов

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученой степени, PhD, доцент

М.Р. Амонов

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученой степени, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире основное внимание в области синтетической координационной химии уделяется проблемам синтеза и дизайна органических лигандов с определенной стереохимической структурой. Такие полидентатные комплексообразующие лиганды имеют важное значение и в настоящее время стремительно развивается синтез комплексных соединений, применяемых в химической промышленности, биологии, медицине, фармакологии и сельском хозяйстве. Поэтому синтез комплексных соединений переходных металлов на основе полидентатных органических лигандов, определение состава, строения и свойств считается наиболее важной и актуальной задачей, имеющее теоретическое и практическое значение.

В мировой химической промышленности проводятся исследования по целевому синтезу комплексных соединений на основе дигидразонов дикарбоновых кислот. В этом отношении уделяется большое внимание на разработку эффективных методов получения препаратов, ускоряющие рост и повышающие урожайность растений, бактерицидов и фунгицидов, повышение селективности различных реакций, синтез органических соединений на основе дигидразидов дикарбоновых кислот, таутомерию, их способность образовывать комплексы.

В нашей республике достигнуты определенные результаты в направлении производства новых видов материалов химической промышленности, в том числе проведены масштабные мероприятия в сфере обеспечения местного рынка химическими реагентами, замещающими импортные. Большое внимание уделяется реализации мероприятий по научно обоснованной системе ведения промышленных объектов и охране окружающей среды путем внедрения инновационных технологий. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены важнейшие задачи по «... дальнейшему ускорению производства готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на основе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов, изменению ассортимента качественно новых видов продукции и технологий»². В этом отношении важное значение имеет получение комплексных соединений ионов различных металлов с дигидразонами дикарбоновых кислот, создание фунгицидов и стимуляторов растений на их основе.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в Постановлениях Президента ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан», ПП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной привлекательности химиче-

² Указ Президента Республики Узбекистан № УП 4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года.

ской промышленности», ПП-4805 от 12 августа 2020 года «О мерах по повышению качества непрерывного образования и результативности науки по направлениям «Химия» и «Биология», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением VII «Химические технологии и нанотехнологии» развития науки и технологий республики.

Степень изученности проблемы. За рубежом избирательная экстракция различных металлов с лигандами заданного строения, а также каталитические и биологические активные свойства комплексов таких металлов, как ванадий, хром, марганец, кобальт, никель, медь были развиты такими, учеными как J. Patole, P. Vicini, S. Zhao, K.S. Burger, A. Walcourt, M.L. Liu, S.L. Chen, Y.M. Sun, Y. Nishida, L.L. Wang, S.F. Huang, K. Dhara.

Российские ученые внесли неоценимый вклад в развитие химии координационных соединений. Изначально координационная химия развивалась в Санкт-Петербурге под руководством Л.А. Чугаева. Далее это направление развивали его последователи, И.Н. Щербаков, О.В. Конник, Л.Д. Попов. Темплатный синтез комплексов был исследован и развит в Кишиневе М.Д. Ревенко, изучение обменных взаимодействий развит в Ростове-на-Дону В.В. Луковым, магнетохимическое исследование комплексных соединений было развито В.Т. Калининским, В.В. Мининым, А.Н. Гусевым, С.И. Левченко, М.К. Алавия, В.Ф. Щульгиным.

В нашей республике осуществлением и развитием работ в области синтеза и исследования металлокомплексов с органическими лигандами занимаются такие видные ученые, как акад. Н.А. Парпиев, М.А. Азизов, Х.Т. Шарипов, Х.Х. Тураев, Ш.А. Кадирова, З.Ч. Кадирова. Группой учеников В.Г. Юсупова был исследован синтез новых полидентатных многофункциональных лигандов и их комплексов с парамагнитными ионами переходных металлов, проведен анализ их строения и различных свойств, особенно механизмов проявления обменных взаимодействий.

Итоги анализа научной литературы в диссертации показывает, что результаты изучения электронного и пространственного строения молекул комплексов позволили определению взаимосвязи “*состав-структура-свойство*” в достаточно сложных химических соединениях. В научных источниках сведения о дигидразах дикарбоновых кислот и их комплексных соединениях носят противоречивый и необъяснимый характер. До конца не доведены исследования и не получен однозначный ответ на вопросы о влиянии изменения числа метиленовых групп цепи $(-CH_2-)_n$ лигандов в биядерных комплексных соединениях.

